# XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

**Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2021 йил январь-март, дастлабки маълумот)*

Жорий йилнинг январь-март даври учун Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 483,4 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 % га ўсди.

**Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2021 йил январь-март давридаги асосий меҳнат кўрсаткичларининг ўзгариши**
*(2021 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*



Корхона ва ташкилотлар сони 100,9%



Ходимлар сони 105,9%



Жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 107,2%



Ўртача ойлик номинал иш ҳақи 100,8%

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи**
*(2021 йил январь-март ойларида, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*



Саноат

**Саноат** фаолият туридаги 64 та корхонада 40,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 19,3 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 365,6 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 25,2 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3 159,5 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 8,6 % га пасайганлиги аниқланди.




**Қурилиш** фаолият туридаги 10 та корхонада 1,2 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,6 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 6,9 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 0,5 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 185,8 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 % га пасайганли аниқланди.




**Савдо** фаолият туридаги 23 та корхонада 2,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 17,6 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 1,2 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 149,8 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврида нисбатан 3,0 % га ўсди.




**Ташиш ва сақлаш** фаолият туридаги 14 та корхонада 2,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 11,5 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 0,8 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 813,8 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 24,8 % га ўсди.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** фаолият туридаги 5 та корхонада 0,3 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,2 %) ходим ишлаган



бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 1,1 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 0,1 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 147,4 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 15,5 % га ўсди.




**Ахборот ва алоқа** фаолият туридаги 4 та корхонада 0,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,4 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 7,6 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 0,5 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 681,1 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 21,6 % га ўсди.




**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик** фаолият туридаги 25 та корхонада 4,0 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,9 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 71,3 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 4,9 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 5 649,8 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 % га ўсди.




**Таълим соҳасидаги** фаолият туридаги 1 534 та корхонада 91,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 43,8 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 558,0 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар улуши 38,4 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 224,5 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 7,0 % га ўсди.




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасидаги 77 та корхонада 39,1 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,7 %) ходим

ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 223,5 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 15,4 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 035,9 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 % га ўсди.




**Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш** соҳасидаги 76 та корхонада 2,2 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,0 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 11,2 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 0,8 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 784,9 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан фаолият туридаги 8,5 % га ўсди.




**Бошқа ижтимоий хизматлар** соҳасидаги 400 та корхонада 24,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 11,7 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар 178,6 млрд. сўмни (жами жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардаги улуши 12,3 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 432,4 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори **Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик** фаолият турида кузатилди ва **5 649,8** минг сўмни ташкил этди. Шунингдек юқори кўрсаткичлар **Саноат** фаолият турида (**3 159,5**минг сўм) ва **Ахборот ва алоқа** фаолият турида (**2 681,1** минг сўм) кузатилди. Энг паст кўрсаткич эса **Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** фаолият турида кузатилди ва **1 147,4** минг сўмни ташкил этди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

*(2019-2020 йил январь-март даври учун, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*



## Шаҳар ва туманлар кесимидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2021 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*




Шунингдек, ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори Асака тумани (3 464,9 минг сўм), Андижон шаҳри (3 090,4 минг сўм) да кузатилди, аксинча Балиқчи ва Бўстон туманларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бошқа ҳудудларга нисбатан паст миқдорда бўлди.

## Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати

*(2021 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, % да)*









**Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *2020 йил* | *2021 йил* | *Ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | **2 463,7** | **2 483,4** | **100,8** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Андижон | 2 903,9 | 3 090,4 | 106,4 |
| Хонобод | 2 431,6 | 2 441,9 | 100,4 |
| *туманлар:* | | | |
| Олтинкўл | 1 627,0 | 1 811,9 | 111,4 |
| Андижон | 2 016,9 | 2 110,5 | 104,6 |
| Балиқчи | 1602,9 | 1 757,1 | 109,6 |
| Бўстон | 1 650,4 | 1 711,7 | 103,7 |
| Булоқбоши | 1 769,3 | 1 857,3 | 105,0 |
| Жалақудуқ | 2 066,6 | 1 898,1 | 91,8 |
| Избоскан | 1 810,1 | 2 120,7 | 117,2 |
| Улуғнор | 1 737,8 | 1 817,8 | 104,6 |
| Қўрғонтепа | 1 918,5 | 1 991,0 | 103,8 |
| Асака | 4 129,8 | 3 464,9 | 83,9 |
| Марҳамат | 1 794,3 | 1 860,7 | 103,7 |
| Шахрихон | 1 919,4 | 1 937,9 | 101,0 |
| Пахтаобод | 2 006,1 | 2 258,8 | 112,6 |
| Хўжаобод | 2 170,0 | 2 016,1 | 92,9 |

## Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг вилоят кўрсаткичига нисбатан ўсиш суръати

*(2021 йил январь-март ойларида; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)*









Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, ўртача ойлик иш ҳақининг вилоят кўрсаткичига нисбатан юқори даражаси Асака тумани (3 464,9 минг сўм, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 39,5 % га юқори), Андижон шаҳри (3 090,4 минг сўм, 24,4 % га юқори) да кузатилган бўлса, Балиқчи тумани (1 757,1 минг сўм, вилоят кўрсаткичидан 29,2 % га паст) ва Бўстон тумани (1 711,7 минг сўм, вилоят кўрсаткичидан 31,1 % га паст) да кузатилди.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30-мартдаги ПҚ -4938 сонли қарорига биноан 2021 йил февраль ойидан 747 300 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

